

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВА РОХИЛА ЗИКИРЁЕВНА

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИ БАРГИ ОРҚАЛИ КАРБАМИД БИЛАН
ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ДОН ҲОСИЛИ ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**
Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Ҳасанова Роҳила Зикирёевна Юмшоқ буғдойни барги орқали карбамид билан озиклантиришнинг дон ҳосили ва сифатига таъсири	5
Хасанова Раҳила Зикирёевна Влияние подкормки мягкой пшеницы карбамидом через листья на урожайность и качество зерна.....	21
Khasanova Rokhila Zikirayevna The effect of fertilizing soft wheat with carbamide through the leaves on the yield and quality of grain.....	36
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	40

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВА РОХИЛА ЗИКИРЁЕВНА

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИ БАРГИ ОРҚАЛИ КАРБАМИД БИЛАН
ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ДОН ҲОСИЛИ ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx128. рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирназаров Исмагулла

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Остонақулов Тоштемир Эшимович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Тиллабеков Ботир Ҳасанович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда бошқоқли дон экинлари, жумладан буғдой ҳосилдорлигини ва дон сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Маълумки, дунё бўйича буғдой 220,4 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосилдорлиги 31,1 центнерни ташкил этади. Жаҳонда йилига ўртача 724,0 млн тонна буғдой дони ишлаб чиқарилади. Буғдой навлари жаҳоннинг 130 га яқин мамлакатларида етиштирилмоқда. Энг кўп буғдой етиштирадиган ва экспорт қиладиган Россия, Германия, Франция, Аргентина, Канада, АҚШ мамлакатлари ҳисобланади¹. Сўнгги йилларда дунё аҳолиси сонининг тобора ўсиши, турли тупроқ-иқлим шароитларидаги салбий ўзгаришлар, ғалла экин майдонларининг қисқариб бориши буғдой ҳосили салмоғининг пасайишига ва жаҳон бозорида ғалла нархининг кўтарилишига таъсир кўрсатмоқда.

Дунёнинг буғдой етиштирувчи мамлакатларида кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил олишда турли муддатларда баргидан озиқлантиришнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича изланишларга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Нон ва нон маҳсулотлари, шунингдек, макарон маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ошиб бораётганлиги дон сифати юқори бўлган кузги буғдойнинг янги нав ва тизимларини яратиш ҳамда дон сифатини оширувчи агротехнологияларини такомиллаштириш талаб этилмоқда². Кузги буғдой дон ҳосилини ва унинг сифатини, макаронбоплигини оширишда ўсимликнинг баргидан қўшимча озиқлантириш йўли орқали эришиш мумкин.

Республикамизда сўнгги йилларда кузги буғдой ҳосилдорлиги ва донининг сифатини оширишда амал даврида ўсимлик баргларига турли хил ўсишни соловчи моддалар ва минерал ўғитлар ёрдамида баргидан озиқлантириш агротехникасини қўллаш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Қашқадарё вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириб келинаётган кузги буғдой навларидан юқори сифатли дон ҳосили олиш борасида уларнинг агротехнологияларини янада такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни давом эттириш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»³ги Фармонида «3.3... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мутассил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, ресурсларни

¹<https://www.faostat.fao.org.>;

² <https://www.researchgate.net>

³2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон

тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам турли тупроқ-иқлим шароитларида кузги буғдойни барги орқали карбамид эритмаси билан озиклантириш, карбамид эритмасини меъёрини аниқлаш, донни сифатини ошириб нонбоплигини яхшилаш, дунё бозорида кузги буғдойни рақобатбардошлигини ошириб экспортбоп дон етиштириш ва сифатли ҳосил олиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатни озик-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида», 2018 йил 17-апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада буғдой ҳосилдорлигини ошириш, айниқса дони сифатини яхшилаш масаласи ҳар доим ҳам асосий муаммолардан бўлиб, олимларни қизиқтириб келмоқда. Бунинг асосий сабаби, дон сифатини, ундаги оқсил, клейковина ва бошқа асосий кўрсаткичларни пастлигидир. Дон сифатини турли моддалар, жумладан карбамид билан барги орқали озиклантириш бўйича Ф.Мацков, В.Мосолов, Н.Павлов, L.Chesnin, N.Shafer, Б.Тиллабеков, Р.Тиллаев, Ф.Тешаев, Р.Сиддиқов, О.Аманов, Б.М.Азизов ва бошқа олимлар томонидан изланишлар олиб борилган.

Бутун дунёда озик-овқат танқислиги содир бўлаётган ҳозирги даврда бошоқли дон экинлари майдонини камайтирмаган ҳолда сув таъминоти кескин чегараланган шароитда, республиканинг асосий ғалла ҳажмини етиштирадиган, тупроқ иқлим шароити оғир бўлган Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида кузги буғдой ўсимлигига барги орқали турли меъёр ва муддатларда карбамид эритмасини қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01.990007239 рақамли «Экинлар ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг агробиотехнологик диагностикаси» (1999-2018 йй.) мавзусидаги ҳамда ЁА-06-01 «Кузги юмшоқ буғдой донини етиштириш, бирламчи ишлов бериш ва қайта ишлаш жараёнларида

нонбоплигини яхшилаш технологиялари» (2015-2016 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида маҳаллий юмшоқ буғдойнинг «Яксарт» ва «Ғозғон» навларини сут пишиш фазасида барг орқали карбамид билан озиклантиришнинг дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навларини карбамид эритмаси билан барги орқали озиклантиришнинг ўсимлик морфофизиологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган ерларда етиштирилган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навларига барг орқали қўлланилган турли концентрациялардаги карбамид эритмасининг дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

етиштирилган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий навлари донларини технологик таҳлилдан ўтказиш учун фракцияларга ажратиб, қўлланилган карбамид таъсирини аниқлаш;

суғориладиган ерларда етиштирилган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари сут пишиш фазасида қўлланилган турли концентрациялардаги карбамид эритмасининг доннинг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари сут пишиш фазасида дон сифатини оширишда карбамид қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар, юмшоқ буғдойнинг «Яксарт», «Ғозғон» навлари ва турли даражадаги карбамид эритмаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сифатида суғориладиган ерларда етиштирилаётган юмшоқ буғдой, қўлланилган карбамид эритмаларининг мақбул меъёри, бошоқнинг биометрик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги ва унинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибасида ўтказилган барча фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар ЎзПИТИнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» бўйича, доннинг кимёвий таркибини аниқлаш И.А.Ермаковнинг «Методы биохимических исследований растений» услубиятлари бўйича ўтказилди. Олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (с основами статистической обработки результатов исследований) асосида «дисперсион усул» да математик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Қашқадарё вилояти шароити суғориладиган ерларида етиштирилаётган юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон»

навлари сут пишиш даврида карбамид ўғитини барги орқали эритма сифатида қўллашнинг мақбул меъёрлари аниқланган;

кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари сут пишиш фазасида турли концентрациялардаги карбамид эритмасини барг орқали қўллашнинг дон ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

суғориладиган ерларда етиштирилган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари сут пишиш фазасида турли концентрациялардаги карбамид эритмасини қўллашнинг дон сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари дон сифатини оширишда уларнинг сут пишиш фазасида карбамид ўғитини қўллашнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари донларининг сут пишиш фазаси бошланишида карбамиднинг гектарига 40 кг меъёри эритмаси қўлланилганда, назорат карбамид сепилмаган вариантыдаги ўсимликларга нисбатан морфологик ўзгаришлар деярли аниқланмади. Лекин, пишиш фазалари давомийлиги ортганлиги кузатилган;

эритма таъсирида бошоқлардаги донлар тўлиқлиги ортиб дон массаси 0,3–0,4 г., дон чиқими 1,1–2,1 фоизгача ошиши натижасида дон ҳосилдорлиги 1,34–1,60 ц/га. гача ортиши аниқланган;

дон сифатини дастлабки кўрсаткичи 1000 дона дон массаси 2 г. гача ошиб, натура оғирлиги 16–19 г/л.га, кучли буғдой донлари салмоғи 73 фоизгача, шишасимонлиги 2,8–3,1 фоизгача, ун чиқими 2 фоизгача, оксил миқдори 2,25 фоизгача, минерал моддалар 0,06 фоизгача ошишини кўрсатган. Шунингдек, карбамид эритмаси таъсирида дон салмоғи ва сифати яхшиланиши билан бирга соф фойда гектарига 695 минг сўм бўлиб, рентабеллик даражаси 6,1 фоизгача ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларидан олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, аниқланган ҳар бир қонуният ва хулосаларнинг асосланганлиги, тажрибалар ҳар йили мутахассис олимлар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кузги юмшоқ буғдойнинг «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари вегетатив ўсиши пасайиб, сут пишиш фазасига кирганида барги орқали карбамид эритмаси билан гектарига 40 кг меъёрда

озиклантирилганда унинг дон сифати, яъни дон таркибидаги оксилнинг 2,25 фоизгача, ун чиқими 2,0 фоизгача, дон шишасимонлиги 2,8-3,1 фоизга ошишининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган юмшоқ буғдойларнинг сут пишиш фазасида 40 кг карбамидни гектарига эритма ҳолида баргидан озиклантириш агротехнологиясининг илмий томондан ишлаб чиқилиши ва ушбу такомиллаштирилган агротехнология кенг жорий этилиши натижасида фермер хўжалиги майдонларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдой навларини етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

кузги буғдойнинг «Яксарт» ва «Ғозғон» навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида «Юмшоқ буғдойни барги орқали карбамид билан озиклантириш агротехнологиялари бўйича» тавсиялар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2018 йил 14 апрелда тасдиқланган). Ушбу тавсиянома бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Яксарт» навидан сифатли дон етиштиришда сут пишиш фазасида гектарига 40 кг карбамид ўғитини эритма ҳолатида баргдан озиклантириш агротехнологияси Касби туманидаги «Саидмамат полвон Саидов», Нишон туманидаги «Тўрақулов Равшан» ва Косон туманидаги «Саипов Шахбоз» фермер хўжаликларида жами 32,0 гектар майдонларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги №02/21-553-сон маълумотномаси). Натижада, дон таркибидаги оксил миқдори карбамид қўлланилмаганда 12,18 фоизни ташкил этган бўлса, карбамид қўлланилганда 14,20 фоизга, дон ҳосили гектарига назорат вариантыга нисбатан 1,9 центнергача ошган;

«Ғозғон» навидан сифатли дон етиштиришда сут пишиш фазасида гектарига 40 кг карбамид ўғитини эритма ҳолатида баргдан озиклантириш агротехнологиялари бўйича Косон туманидаги «Толиб Тўраевич» ва «Қулмонов Умир» фермер хўжаликларининг жами 23,0 гектар майдонларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги №02/21-553-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, дон таркибидаги оксил миқдори карбамид қўлланилмаганда 13,84 фоизни ташкил этган бўлса, карбамид қўлланилганда 15,82 фоиз, дон ҳосили гектарига назорат вариантыга нисбатан 2,0 центнергача ошишига эришилган.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида карбамид эритмаси билан барги орқали озиклантириш

агротехнологиясини жами 55 гектар майдонга қўлланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги №02/21-553-сон маълумотномаси). Натижада, кузги юмшоқ буғдойдан юқори сифатли дон ҳосили олишга эришилган ҳамда соф фойда 695 минг сўм, рентабеллик даражаси 53,7 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари 4 та, шундан 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси» кафедраси ва «Агробиотехнология» номли илмий семинари кўшма йиғилишида маъруза қилинган.

Тадқиқотлар натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриётида 1 та монография, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 2 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буғдой дони шаклланишида карбамид билан барги орқали озиклантириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, кўплаб олимларнинг илмий иш натижалари ўрганиб чиқилган. Жумладан, суғориладиган ерларда ва лалмикор ерларда, баҳорги ва кузги юмшоқ буғдойни барги орқали сут пишиш фазасида озиклантириш

ва карбамид эритмасининг меъёрларини таъсири бўйича республикамиз ва хорижда ўтказилган илмий-тадқиқотлар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари батафсил ёритилган.

Дала тажрибалари Қашқадарё вилояти Касби туманидаги «Саидмамат полвон Саидов» фермер хўжалигида 2015–2017 йилларда ўтказилганлиги, бу ҳудудлар Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари минтақаси ҳудуди бўлиб, механик жиҳатдан ўрта қумоқ тупроқли ерлардан иборат эканлиги, бу тупроқлар Қашқадарё вилоятининг Қарши, Касби ва Косон туманларида кенг тарқалганлиги, сизот сувлари чуқурлиги 2–5 м ораликда бўлиб, турли даражада минераллашганлиги Л.Турсунов ва бошқалар маълумотларида қайд этилган. Тадқиқотнинг оч тусли бўз тупроқлари минтақаси денгиз сатҳидан 250–300 метр баландликларида жойлашган бўлиб, тупроқнинг устки қатламларида фосфорнинг ҳаракатчан шакллари кўп бўлиши, гумус миқдори 0,50–0,85 фоизгача, азот 0,050–0,081 фоизгача, фосфор 0,10–0,16 фоизгача ва калий 1,87–1,62 фоизгача ва таркибида сульфат тузлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Дала тажриба минтақаси ёғингарчилик ва намлиги бўйича вилоятнинг бошқа ҳудудларидан кескин фарқ қилиб, иккита даврга бўлинади. Биринчи давр апрель-октябрь ойларига тўғри келиб, ушбу давр ёғингарчилиги октябрь-март ойлари ёғингарчилигидан 2,9 марта кам бўлиши билан тавсифланиб, ушбу даврда экинлар етиштирилганда деҳқончилик фақат суғоришга асосланган бўлишини кўрсатади. Чунки, Қарши гуруҳидаги туманларда апрель-октябрь ойларида ёғадиган ёмғирларнинг миқдори 60 мм. ни ташкил этиб, октябрь-март ойлари ёғингарчилигининг миқдори 173 мм. ни ташкил этган.

Атмосферанинг нисбий намлиги ҳам ёғингарчилик салмоғига мутаносиб бўлиб, 41 фоизни ташкил этган. Ушбу даврдаги тупроқ намлигининг буғланиши 1300 мм. ни, экинларни етиштириш учун намликнинг етишмаган миқдори 1240 мм. ни ташкил этган.

Дала тажрибалари 5 вариант, 4 такрорланишда олиб борилган.

Тажриба бир омилли бўлиб, кузги юмшоқ буғдойни сут пишиш фазасида карбамид эритмасини қўллаш меъёридан иборат (1-жадвал) эканлиги келтирилган.

Тадқиқотлар ўтказилган ғаллазорларда дон ҳосили 60 кг/га етиштиришга мўлжалланган бўлиб фосфорли (90 кг/га) ва калийли (60 кг/га) ўғитлар буғдой уруғини экиш билан бирга октябрь ойи ўртасида берилган.

Буғдойнинг бўйи, ётиб қолишга чидамлилиги, сақланувчанлиги, пишиш фазаларининг давомийлиги, маҳсулдорлиги, бошоқларидаги донларининг зичлиги, ҳосил структураси, дон чиқими, биологик ва ҳақиқий ҳосилдорлиги ва барча фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар ЎзПИТИнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ҳамда Б.А.Доспеховнинг «Методика

полевого опыта» (с основами статистической обработки результатов исследований) услубларидан фойдаланилиб ўтказилган. Умумий оқсил миқдори аниқлаш И.А.Ермаковнинг «Методы биохимических исследований растений» услубиятлари бўйича ўтказилган.

1-жадвал

ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Тажриба вариантлари	Таркибида 46 фоиз азот (соф ҳолда) қўлланилган меъёрлари, кг/га	Эритма, л/га
Яксарт нави			
1	Карбамид қўлланилмаган (st)	-	300
2	Карбамид - 30 кг/га.	13,8	300
3	Карбамид - 40 кг/га.	18,4	300
4	Карбамид - 50 кг/га.	23,0	300
5	Карбамид - 60 кг/га.	27,6	300
Ғозғон нави			
6	Карбамид қўлланилмаган (st)	-	300
7	Карбамид - 30 кг/га.	13,8	300
8	Карбамид - 40 кг/га.	18,4	300
9	Карбамид - 50 кг/га.	23,0	300
10	Карбамид - 60 кг/га.	27,6	300

Эслатма: Тажриба даласида минерал ўғитлар $N_{180}P_{90}K_{60}$ меъёрида қўлланилган.

Тажриба вариантларини тоқ такрорланишларида 1 м²да алоҳида майдонча ажратилиб унда морфофизиологик кузатишлар олиб борилган.

Технологик таҳлиллар учун буғдой дони пишиб етилганидан кейин дон намуналари олинди. Технологик таҳлиллар учун олинган дон намуналари катталиги 3,0x20 мм; 2,5x20 мм ва 2,0x20 мм бўлган элакларда эланиб фракцияларга ажратилди. Дон фракцияларида доннинг унувчанлиги, 1000 донна дон массаси, натура оғирлиги, шишасимонлиги, ун чиқими, оқсил миқдори, клейковина миқдори ва минерал моддалари аниқланган.

Доннинг унувчанлиги, ун чиқими; клейковина, минерал моддалар, 1000 дон массаси тегишли ГОСТлар бўйича аниқланди. ДСЗ-3 маркали диафаноскопда доннинг шишасимонлиги ва доннинг натура оғирлиги Пуркода аниқланган. Дон таркибидаги оқсил миқдори Къелдаль усулида аниқланган. Технологик таҳлиллардан олинган маълумотларда В.Н.Перегулов усулида математик таҳлиллар ўтказилган.

Диссертациянинг «Юмшоқ буғдойни карбамид билан барги орқали озиклантиришнинг морфофизиологик кўрсаткичларига таъсири» деб номланган учинчи бобида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг бўйи, пишиш фазалари давомийлиги ва ётиб қолиши, сақланувчанлиги, тупланиши ва маҳсулдор тупланиши, бошоқлар донлари зичлиги, маҳсулдор поялар, бошоқлар донлари сонлари ва массаси, дон чиқими, 10 ўсимликнинг умумий курук массаси, 1 ўсимликнинг дон массаси аниқланган.

Юмшоқ буғдойнинг бўйи, пишиш фазалари давомийлиги ва ётиб қолиши қисмида тажрибанинг карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан бошқа вариантларида юмшоқ буғдойнинг бўйига, донларининг пишиш фазалари давомийлигига ва ётиб қолишга чидамлилигига таъсир этиши сезиларли даражада кузатилмади.

Кузги юмшоқ буғдойга карбамид эритмалари барглари орқали қўлланилганда тупланишига ва маҳсулдор тупланишига деярли таъсир этмади.

2-жадвал


Юмшоқ буғдой навлари дон чиқимига карбамид эритмасининг таъсири, ц/га (тўлиқ пишиш фазасида 2015–2017 йилларда ўртачаси)

№	Навлар ва дон чиқими Тажриба вариантлари	«Яксарт» нави			«Ғозғон» нави		
		10 туп ўсимликнинг умумий курук массаси, г $M \pm m$	1 туп ўсимликнинг дон массаси, г $M \pm m$	Дон чиқими, фоиз, $M \pm m$	1 туп ўсимликнинг умумий курук массаси, г $M \pm m$	1 туп ўсимликнинг дон массаси, г $M \pm m$	Дон чиқими, % $M \pm m$
1	Карбамид қўлланилмаган – (st)	69,6 ± 1,73	29 ± 1,53	42,0 ± 0,33	70 ± 0,82	29 ± 1,7	41,6 ± 0,1
2	Карбамид - 30 кг/га	69,6 ± 1,13	29 ± 0,57	42,2 ± 0,12	70 ± 0,84	30 ± 0,5	42,4 ± 0,05
3	Карбамид - 40 кг/га	70,0 ± 1,15	30 ± 1,56	43,0 ± 0,09	71 ± 1,15	30 ± 1,7	43,3 ± 0,07
4	Карбамид - 50 кг/га	70,6 ± 1,08	31 ± 0,98	42,9 ± 0,26	72 ± 1,08	31 ± 1,22	43,7 ± 0,3
5	Карбамид - 60 кг/га	71,0 ± 1,15	31 ± 0,96	43,1 ± 0,10	72 ± 1,51	32 ± 0,9	43,7 ± 0,33

Бошоқлар донлари зичлигига карбамид эритмаси қўлланганда буғдой бошоқларидаги донлари зичлиги сезиларли даражада карбамид

қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан ошган. «Ғозғон» нави донлари «Яксарт» навидагига нисбатан зичроқ бўлиши кузатилган.

Юмшоқ буғдой донларининг сут пишиш фазаси бошланганда қўлланилган карбамид эритмалари таъсирида маҳсулдор поялар, бошоқларидаги донлари сонларига сезиларли даражада таъсир этмаган ва массасининг ошиши сезиларли даражада бўлиши кузатилган. Масалан: карбамид эритмалари таъсирида бошоқларидаги ва бошоқчаларидаги донлари сонлари назорат вариантыдагига нисбатан ошиши кузатилиши билан бирга битта бошоқдаги донлар массаси 0,3–0,4 граммгача ошиши аниқланган.



1-расм. Юмшоқ буғдой навлари ҳосилдорлигига карбамид эритмасининг таъсири, ц/га (2015–2017 йилларда ўртачаси)

Тадқиқотнинг дон чиқими қисмида бошоқлардаги донлар сонлари ва массасининг ошиши натижасида дон чиқими карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан қўлланилган карбамид эритмалари меъёрларига мутаносиб ҳолда 1,1–2,1 фоизгача ошиши кузатилган (2-жадвал, 1-расм).

Диссертациянинг биологик ва ҳақиқий ҳосилдорлик қисмида юмшоқ буғдой навлари бўйича биологик ҳосилдорлиги 1 м² майдончадаги маҳсулдор поялар сони, 1 туп ўсимликнинг ўртача тупланиш сонлари ва дон массаси бўйича биологик ҳосилдорлик аниқланганда, буғдойнинг сут пишиш фазаси бошланганда карбамид эритмаларининг қўлланилиши назорат вариантыдагига нисбатан сезиларли даражада ошиши кузатилган.

Масалан, «Яксарт» нави биологик ҳосилдорлиги назорат вариантыда 42,6 ц/га. ни ташкил этган. Карбамид 30 кг/га меъёрда қўлланилганда 3,3 ц/га, карбамид 40 кг/га қўлланилганда 3,7 ц/га, карбамид 50 кг/га

қўлланилганда 3,6 ц/га ва карбамид 60 кг/га қўлланилганда 4,6 ц/га. га ошганлиги кузатилган. Худди шундай ҳолат «Ғозғон» навида ҳам такрорланган.

Дон ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар назорат вариантыдагига нисбатан карбамид эритмалари қўлланилган тажриба вариантларида дон салмоғининг ошиши «Яксарт» навида 0,2 ц/га. дан 1,34 ц/га. гача, «Ғозғон» навида 0,3 ц/га. дан 1,6 ц/га. гача ошганлиги кузатилган (1-расм).

Диссертациянинг «**Юмшоқ буғдой дон сифатига карбамиднинг таъсири**» номли тўртинчи бобида дон фракциялари, 1000 дон массаси, доннинг натура оғирлиги, донни унувчанлиги бўйича сифатини баҳолаш, доннинг шишасимонлиги, ун чиқими, умумий оксил миқдори, клейковина миқдори, дондаги минерал моддалар миқдори аниқланган.

Дон фракциялари қисмида буғдой дони бошоқлари ярусларида жойлашиши бўйича ҳар хил катталикларда бўлиши билан бирга турли сифат кўрсаткичларга ҳам эга бўлади. Юмшоқ буғдой донларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида донларининг сут пишиш фазаси бошланганда барги орқали карбамид эритмаси қўлланган донлари, тешиклари 3,0x20 мм, 2,5x20 мм ва 2,0x20 мм бўлган элакларда эланиб фракцияларга ажратилди. 2,5x20 мм фракция донлари карбамид эритмалари қўлланилган тажриба вариантларида 55,2–55,9 фоизгачани ташкил этгани ҳолда карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 2,0–2,9 фоиз юқори бўлишини кўрсатган. Шу сабабли ҳам дон тайёрлайдиган ташкилотларнинг донларга дастлабки ишлов беришлари жараёнида донларни тешиклари 2,5x20 мм элакларда элаб сараласалар камида 80 фоиз донлардан юқори сифатли ва нонбоплиги юқори бўлган ун тайёрлашга эришадилар.

Юмшоқ буғдой донининг сут пишиш фазасида барги орқали қўлланилган карбамид доннинг 1000 донасини массасига таъсири сезиларли даражада ошиб, 3,0x20 мм фракция донларида карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 1–2 г. гача ошиб боришини кўрсатган. Худди шундай ҳолат 2,5x20 мм ва 2,0x20 мм фракция донларида ҳам такрорланиб, 1000 дона дон массасининг ошиши 1 г. га тўғри келган (3-жадвал).

Ўтказилган тажрибаларимиз натижалари бўйича юмшоқ буғдойни барги орқали қўлланилган карбамид эритмаси таъсирида доннинг натура оғирлиги буғдой донларининг катталашиши натижасида донлар орасидаги бўшлиқлар ошиши ҳисобига 1 литр ҳажмдаги дон оғирлиги пасайиб, кичикроқ донлар орасидаги бўшлиқларнинг камайиши ҳисобига натура оғирлигининг ошиши кузатилган. Бундай ҳолат карбамид қўллаш меъёрлари ошган 3,0x20 мм фракция донларида сезиларли даражада намоён бўлиб, «Яксарт» нави донлари натура оғирлиги карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 19 г/л, «Ғозғон» навида 16 г/л пасайиши ҳисобига доннинг натура оғирлиги бўйича сифатлилик даражасининг ошишини кўрсатди.

Тадқиқотларимиз натижалари бўйича доннинг унувчанлиги бўйича сифатини баҳолашда кузги юмшоқ буғдой навлари донларининг сут пишиш фазаси бошланганда барги орқали карбамид эритмаси билан озиклантирилганда 3 кунда униб чиқадиган кучли буғдой донлари миқдори ошишини кўрсатди.

Шу сабабли ҳам 3,0x20 мм фракция донларида ушбу ҳолат кўпроқ намоён бўлиши кузатилди.

3-жадвал


Юмшоқ буғдой навлари 1000 дона дон массасининг карбамид эритмаси таъсирида ўзгариши, г (тўлиқ пишиш фазасида, 2015–2017 йилларда ўртачаси)

№	Навлар донлари фракциялари, мм Тажриба Вариантлари	«Яксарт» нави			«Ғозғон» нави		
		Донлар фракциялари, мм			Донлар фракциялари, мм		
		3,0x20 М±m	2,5x20 М±m	2,0x20 М±m	3,0x20 М±m	2,5x20 М±m	2,0x20 М±m
1	Карбамид қўлланилмаган (st)	37,3 ± 0,18	35,3 ± 0,59	28,7 ± 0,24	37,6 ± 0,3	38,0 ± 0,9	35,0 ± 1,2
2	Карбамид – 30 кг/га	38,3 ± 0,18	36,7 ± 0,55	30,3 ± 0,79	38,3 ± 0,6	39,7 ± 0,2	37,0 ± 0,8
3	Карбамид – 40 кг/га	38,7 ± 0,50	37,0 ± 0,9	31,0 ± 1,47	38,7 ± 0,2	40,3 ± 0,3	36,7 ± 0,3
4	Карбамид – 50 кг/га	38,7 ± 0,6	37,6 ± 0,77	32,0 ± 1,09	39,0 ± 1,3	41,3 ± 0,3	37,3 ± 0,5
5	Карбамид – 60 кг/га	39,0 ± 1,14	38,3 ± 0,47	33,0 ± 0,64	39,0 ± 1,1	42,3 ± 0,6	38,7 ± 0,8

Тажрибанинг карбамид қўлланилган вариантлари 2,5x20 мм фракция донларининг 3 кунда униб чиққанлари 62–66 фоизни ташкил этгани ҳолда, 5 кунда униб чиққанлари 76–79 фоизни ташкил этишини кўрсатган. Ҳаттоки, 2,0x20 мм фракция донларининг 3 кунда униб чиққанлари 50 фоиз ва ундан ҳам юқори бўлиши карбамид эритмасини кузги юмшоқ буғдойнинг сут пишиш фазаси бошланганда қўлланилишининг аҳамияти катта бўлишини исботлайди.

Юмшоқ буғдой дони шишасимонлиги карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 2,8–3,1 фоизгача ошиб, дон сифати қўлланилган карбамид меъёрлари эритмаларига мутаносиб ҳолда ўзгариб бориб доннинг сифатлилик даражасини оширган.

Доннинг ун чиқими ўрганишда 2015 йилда юмшоқ буғдойнинг «Яксарт» нави бўйича ўтказилган тадқиқотларимизда 3,0x20 мм фракцияларда ун чиқими карбамид 30 кг/га меъёردа қўлланилганда карбамид қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 0,5 фоиз юқори бўлиб, 40 кг/га қўлланилганда 1,0 фоиз; 50 кг/га қўлланилганда 1,5 фоиз ва 60 кг/га қўлланилганда 2,0 фоиз ошганлиги кузатилган. Худди шундай ҳолат 2,5x20 мм ва 2,0x20 мм фракция донларида ва 2016–2017 йиллар тажрибаларида ҳам такрорланиб, карбамид қўлланилиши буғдой дони сифатини оширган (2-расм).




2-расм. Юмшоқ буғдой навлари донларининг ун чиқимига карбамид эритмаси таъсири, (2,5x20 мм фракция донлари тўлиқ пишиш фазасида 2015–2017 йилларда ўртачаси)

Тадқиқотларимиз натижалари бўйича таркибидаги оксил миқдори кам бўлган «Яксарт» нави донидаги оксил миқдорини оширишда карбамиднинг роли яққол намоён бўлганлигидан кузатиш мумкин (3-расм). Карбамид 40 кг/га меъёردа қўлланилганда буғдой дони таркибидаги оксил миқдори 1,91–2,01 фоизгача, клейковина миқдори эса 1,5 фоизгача ошган бўлса, карбамид эритмаси 50–60 кг/га қўлланилганда оксил 2,18–2,25 фоизга, клейковина эса 1,7–2,0 фоизгача ошириш кузатилган. Лекин, карбамид эритмаси 40 кг/га меъёрдан оширилиб қўлланилиши иқтисодий ва технологик жиҳатдан юқори самарали бўлмайди. Чунки, карбамид эритмаси 40 кг/га. дан оширилганда оксилнинг янада ошиши атиги 0,27–0,24 фоизни ташкил этади.

Минерал моддаларни ўрганиш қисмида буғдой донининг сут пишиш фазасида барги орқали қўлланилган карбамид меъёрлари эритмаларига мутаносиб бўлиб, 3,0x20 мм фракция донларидаги минерал моддалар

миқдори назорат вариантыда 1,83 фоизни ташкил этди. Карбамид 30 кг/га қўлланилганда 0,02 фоиз; 40 кг/га меъёрда қўлланилганда 0,01 фоиз; 50 кг/га қўлланилганда 0,05 фоиз ва 60 кг/га қўлланилганда 0,06 фоизга ошиши кузатилган.


Худди шундай қонуният ҳар иккала юмшоқ буғдой навларида ҳам такрорланган.



3-расм. Юмшоқ буғдой навлари донлари таркибидаги оксил миқдориға карбамид эритмаси таъсири (3,0x20 мм фракция донлари, тўлиқ пишиш фазасида, 2015–2017 йилларда ўртачаси)

Диссертациянинг «Юмшоқ буғдойни барги орқали карбамид билан озиқлантиришнинг дон ҳосили ва сифатиға таъсирини иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида юмшоқ буғдой донининг сут пишиш фазаси бошланганда карбамид эритмаси қўлланилганда назорат вариантыдаги нисбатан дон ҳосилдорлиги 1,3–1,6 ц/га гача ошиши ҳисобига соф фойда ошиши кузатилди.

Бундай ҳолат кўпроқ «Ғозғон» навида намоён бўлиб, карбамид қўлланилмаганда ўртача дон ҳосилдорлиги 37,9 ц/га.ни ташкил этгани ҳолда соф фойда 616 минг сўм/га.ни, рентабеллик 47,6 фоизни ташкил этди. Бундай фойда карбамид 30 кг/га қўлланилганда 631 минг сўм/га, рентабеллик 48,8 фоизга; карбамид 40 кг/га қўлланилганда 649 минг сўм/га, рентабеллик 50,2 фоизга; карбамид 50 кг/га қўлланилганда 675 минг сўм/га, рентабеллик 52,2 фоизга; карбамид 60 кг/га қўлланилганда 695 минг сўм/га, рентабеллик 53,7 фоизгача ошиши кузатилган (4-расм).



4-расм. Юмшоқ буғдойни барги орқали карбамид билан озиклантиришда соф фойданинг ўсиши (2015–2017 йилларда ўртачаси)

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш синови ва тадқиқотлар натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши» деб номланган олтинчи бобида тажриба минтақаси фермер хўжаликларида сут пишиш фазасида қўлланилган карбамиднинг 40 кг/га меъёри синаб кўрилганда дон таркибидаги оксил миқдори ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба майдонларидагидан атиги 0,33–0,36 фоиз фарқ қилиб, Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари шароитида юмшоқ буғдойнинг маҳаллий навлари донларининг нонбоплилик даражасини оширишнинг истиқболли усули барги орқали карбамид қўллаш эканлиги исботланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида етиштирилаётган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари донларининг сут пишиш фазасида карбамид эритмасини қўллаб самара олиш мумкинлиги биринчи марта аниқланди.

2. Кузги юмшоқ буғдойнинг навларини сут пишиш фазаси бошланишида карбамид эритмаси билан барги орқали озиклантирилганда бошоқдаги донларни пишиш фазалари давомийлиги узайганлиги аниқланди.

3. Юмшоқ буғдойнинг «Ғозғон» нави сут пишиш фазаси бошланишида карбамид эритмаси билан озиклантирилиши «Яксарт» навига нисбатан бошоқлардаги донларининг зичлиги юқорилиги сабабли дон массасини

ортишига кучлироқ таъсир этиб, дон чиқимини 2 фоизгача оширганлиги, дон ҳосилдорлиги 1,34–1,60 ц/га.гача ортганлиги аниқланди.

4. Кузги юмшоқ буғдой навлари донлари сифатини яхшилашда карбамид эритмасини доннинг сут пишиш фазаси бошланганда ўсимликка сепиш дон сифатини белгиловчи дон фракциялари миқдори 2,0–2,2 фоиз, 1000 дона дон массаси 2 г. гача ошиб, натура оғирлиги 16–19 г/л, кучли донлар салмоғи 73 фоизгача, шишасимонлиги 2,8–3,1 фоизгача, ун чиқими 2 фоизгача, оқсил 2,25 фоизгача, клейковина 1,7 фоизгача, минерал моддалар миқдори 0,06 фоизгача ортиши аниқланди.

5. Юмшоқ буғдой навлари донларининг сут пишиш фазаси бошланганда карбамид эритмаси барги орқали қўлланилиши натижасида юқори фракцияли донлар ҳажми 77 фоизгача ортиши мумкинлиги исботланди.

6. Қўлланилган мақбул карбамид эритмаси дон ҳосили ва сифати яхшиланиши билан бирга соф фойда 127 минг сўм/га. гача, рентабеллик даражасини 6,1 фоизгача ошиши натижасида ушбу самарадорликка эришилди.

7. Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида етиштирилаётган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий «Яксарт» ва «Ғозғон» навлари донларининг оқсил ва клейковина миқдорини ошириш ҳамда нонбоплилик даражасини яхшилаш учун бошоқдаги донларнинг сут пишиш фазаси бошланганида карбамиднинг гектарига 40 кг физик ҳолдаги меъёрини 300 л сувда эритиб барги орқали қўлланилиши тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАСАНОВА РАХИЛА ЗИКИРЁВНА

**ВЛИЯНИЕ ПОДКОРМКИ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ КАРБАМИДОМ
ЧЕРЕЗ ЛИСТЬЯ НА УРОЖАЙНОСТЬ И КАЧЕСТВО ЗЕРНА**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2. PhD/Qx128.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.cottonagro.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Ирназаров Исматулла**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Остонакулов Тоштемир Эшимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Тиллабеков Ботир Хасанович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ (НИИССАВХ). Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37, e-mail: g.selek@qsxv.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ. Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37, e-mail: g.selek@qsxv.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2018 года.)

Ш.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире для обеспечения населения продуктами питания, имеет особое значение повышение урожайности и качества зерна, зерноколосовых культур, в том числе озимой пшеницы. Известно, что в мире пшеница высеивается на площади 220,4 млн гектаров, средняя урожайность зерна составляет 31,1 центнера с гектара. В среднем производится 724,0 млн тонн зерна пшеницы. Мировыми лидерами производителями пшеницы и экспортерами являются страны, такие как Россия, Германия, Франция, Аргентина, Канада, США¹. В последние годы с увеличением количества населения мира, отрицательные изменения в почвенно-климатических условиях, сокращение площадей зерновых культур, повлияло на уменьшение удельного веса урожая пшеницы и повышению цен зерна в мировом рынке.

В ряде крупных стран мира, возделывающих пшеницу для получения высокого и качественного урожая зерна, особый интерес представляют разработки по оптимальным срокам и нормам внекорневой подкормки пшеницы в фазах кущения, трубкования и колошения.² Для повышения урожая и качества зерна озимой пшеницы высокие результаты достигаются при подкормке через листья растений в фазе молочно-восковой спелости или путем проведения сеникации.

В последние годы в республике для повышения урожайности и качества зерна озимой пшеницы используется агротехника применения разных ростовых веществ и подкормка минеральными удобрениями через листья растений в вегетационный период. Для получения высококачественного урожая зерна от сортов озимой пшеницы возделываемых в разных почвенно-климатических условиях Кашкадарьинской области актуальной задачей является продолжение научных исследований по усовершенствованию их агротехнологий.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за номером ПУ-4947 «О стратегии действий развития Республики Узбекистан³» в качестве важных стратегических задач является «3.3.. последовательное развитие сельскохозяйственного производства, укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, оптимизация посевных площадей, внедрение ресурсосберегающих современных агротехнологий». Поэтому, важное значение имеет проведение научных исследований по подкормке раствором карбамида через листья озимой пшеницы, определение нормы

¹ [https://www.faostat.fao.org.;](https://www.faostat.fao.org.)

² <https://www.researchgate.net>

